



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАСИМ-ЖОМАРТ ТОҚАЕВНИНГ
ТАКЛИФИГА БИНОАН 15 МАЙ КУНИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН УШБУ
МАМЛАКАТДА БЎЛДИ.

ТАШРИФ ТАФСИЛОТЛАРИ ҚИСҚА САТРЛАРДА

Амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан биргаликда Туркистон шаҳрида Ўзбекистон томонидан бунёд этилган масжид билан танишди.

Туркистон шаҳрида бўлиб ўтаётган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан биргаликда Туркистон шаҳрининг тарихий-маданий марказида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Туркистон шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг «Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш» мавзусидаги норасмий саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар
ташкilotи норасмий саммитидаги нутқи**



Тадбир давомида савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация ва экология соҳаларида ҳамда рақамли инфратузилмани ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва сунъий интеллектни амалда қўллаш борасида ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида сўз юритилди.

Делегациялар раҳбарлари халқаро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Саммит якунида Туркистон декларацияси қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев иштирокида Туркий давлатлар
ташкilotининг норасмий саммити
тафсилотлари билан батафсил танишиш
учун қуйидаги QR кодни сканер қилинг:**



СУРАТДА: Туркистон шаҳрида Ўзбекистон томонидан бунёд этилган масжид.

Семинар

МУҲИМ МАВЗУЛАРДА МУЛОҚОТ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги касба уюшмалари ташкилотларида фаолият юритаётган тафтиш комиссиялари раислари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда касба уюшмалари маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, фаолиятни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.



Семинарда вилоятдаги 8 та тармоқдан 100 нафарга яқин тафтиш комиссиялари раислари иштирок этиб, ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш имконига эга бўлдилар. Ўқув жараёнида уларга иш фаолиятида муҳим бўлган долзарб мавзулар бўйича маърузалар тақдим этилди.

Шунингдек, «Жамоа шартномасида ходимлар учун имтиёзлар ва улардан фойдаланиш тартиби», «Ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан бериладиган йўлланмаларни расмийлаштириш тартиби», «Касба уюшмаси маблағлари ҳисобидан йўлланмалар ажратиш амалиёти», «Касба уюшмалари Федерацияси тизимида аъзолик бадалларини тақсимлаш механизми» ҳамда «Касба уюшмаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойда-

ланиш» каби муҳим мавзуларда маърузалар тингланди. Шу аснода иштирокчиларни қизиқтирган масалалар юзасидан жавоблар берилди.

Ўқув якунида барча иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Семинар жуда мазмунли ва амалий жиҳатдан фойдали бўлди. Айниқса, тафтиш комиссиялари фаолиятида шаффофлик ва молиявий интизомни таъминлашга қаратилган мавзулар биз учун муҳим аҳамият касб этди, – дейди Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси касба уюшмаси кўмитаси тафтиш комиссияси раиси Элёржон Ҳамидов.

Аброржон ОТАБОЕВ,
Ўзбекистон касба
уюшмалари Федерациясининг
Фарғона вилояти кенгаши
раиси ўринбосари

1 июндан электр
энергияси ва табиий газ
тарифлари ўзгаради

Батафсил маълумот олиш учун
«Ishonch»нинг телеграм каналига ўтинг:



Ходимларни аттестациядан
ўтказишни ишдан
ташқари пайтга белгилаш
мумкинми?

Ушбу саволга батафсил жавоб олиш учун
«Ishonch»нинг телеграм каналига ўтинг:



Касба уюшмаси аралашгач...

ЮНУСОВА ЎЗ ВАЗИФАСИГА ҚАЙТДИ

Феруза Юнусова 1995 йилдан буён Янгийўл туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабида фаолият юритиб келган. 2010 йилдан мазкур таълим муассасаси директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган. Аммо 2025 йил 10 декабрь куни унга штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши ҳақида огоҳлантириш берилган. Эртаси куни меҳнат шартномаси бекор қилиниб, меҳнат дафтарчаси бир ойдан сўнг ўзига топширилган.

Аёл ушбу қарордан норози бўлиб, тегишли ташкилотларга мурожаат қилди ва иш судга оширилди.

– Мен билан бир хил лавозимда ишлаган бошқа ходимга дастлаб огоҳлантириш берилмаган эди, – дейди Ф.Юнусова. – Бу ҳолат қонунга зид эканини айтганимдан кейин унга ҳам огоҳлантириш беришди. Баҳолаш мезонлари ҳам ҳолис ўтказилмади. Маалакам ва иш стажим юқори бўлса-да, имтиёзли ҳуқуқларим инobatта олинмади.

Судда мактаб директори Президентимизнинг 2025 йил 8 сентябрдаги 277-сонли қарори ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг 2025 йил 30 сентябрдаги 368-буйруғига мувофиқ, ҳар бир умумтаълим мактабида директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича фақат битта ўринбосари лавозими белгиланганини, шу асосда ходим эгаллаб турган штат тугатилганини таъкидлади.

Мактаб касба уюшмаси кўмитаси раиси М.Ўринбекова даъвогарни ишдан бўшатишда Меҳнат кодексининг 164-модда талаблари бузилганини, жавобгар томонидан юборилган хатга яқка тартибда розилик хати берилганини, ҳеч қандай йиғилиш ўтказилмаганини ҳамда касба уюшмаси

ийғинига даъвогар жалб этилмаганини ёзма тарзда маълум қилди.

Ишни кўриб чиқишда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг меҳнат ҳуқуқ инспектори Машраб Мирзаев ҳам иштирок этиб, ишдан бўшатиш жараёнида меҳнат қончилиги талабларига тўлиқ амал қилинмаганини ўқтирди.

– Биринчидан, мактаб касба уюшмаси кўмитасининг белгиланган тартибда розилиги олинмаган, – деди у. – Иккинчидан, ҳужжатларга кўра, 2025 йил 10 декабрь куни касба уюшмасига хат юборилган, аммо эртаси кунидек меҳнат шартномаси бекор қилинган. Шу куни касба уюшмаси раҳбари томонидан яқка тарзда берилган розилик хати эса амалдаги қонунчилик талабларига зид ҳисобланади.

Суд барча ҳолатларни инobatта олиб, Феруза Юнусовани ўз лавозимига тиклаш тўғрисида қарор чиқарди. Шунингдек, жавобгар зиммасига мажбурий бекор юрган кунлари учун даъвогарга 18 миллион 400 минг сўм иш ҳақи ва 8 миллион сўм маънавий зарар пули тўлаш мажбуриятини юкледи.

Холида ЭҒАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасида ҳайдовчи вазифасида фаолият юритиб келган Қиличбек Усмоновнинг ҳақ-ҳуқуқлари суд орқали тикланди.

ҲАЙДОВЧИ ИШГА ТИКЛАНДИ



Маълум бўлинича, у мазкур муассасада 2021 йил 21 майдан бошлаб ишлаб келган. Бироқ 2025 йил 15 сентябрда меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган. Ходим буни ноқонуний деб ҳисоблаб, ўз ҳуқуқларини тиклаш мақсадида Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспекторига мурожаат қилган.

Мурожаат атрофлича ўрганилиб, тегишли тартибда судга даъво-ариза киритилди. Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг қарорига мувофиқ, Қиличбек Усмонов ўз ишига тикланди. Шунингдек, унга бекор юрган кунлари учун 30 миллион 247 минг сўм иш ҳақи ҳамда 4 миллион 154 минг сўм миқдорида маънавий зарар ундириб бериладиган бўлди.

Завриддин ҲАЛИМОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба
уюшмаси Республика кенгашининг
Навоий вилояти бўйича
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ўзбекистон
касба
уюшмалари
Федерациясида
куну тун фаолият
кўрсатадиган

1211

рақамли
«Ишонч
телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган
хотин-қизлар ўз
муаммолари бўйича
исталган вақтда
мурожаат
қилишлари мумкин.



Урганч тумани тиббиёт бирлашмаси бошланғич касабга уюшмаси ташкилоти ўз сафига 1730 нафар аъзони бирлаштирган йирик жамоа сифатида фаолият юритмоқда. Аъзоларнинг 294 нафари шифокор (жумладан, 180 нафари аёллар), 1137 нафари ҳамшира. Улардан ташқари, ногиронлиги бўлган ва нафақадаги аъзолар ҳам доимий эътиборда.

Сўнгги йилларда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тиббиёт ходимларининг меҳнат шaroитлари сезиларли даражада яхшиланди. Хусусан, ойлик маошлари ўз вақтида тўланиши, иш ҳафтаси 5 кунлик қилиб белгилан-

ДОИМИЙ ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

гани унумдорлики янада оширяпти. Жамоа шартномаси доирасида ходимларга қатор имтиёз ва кафолатлар тақдим этилмоқда. Чунончи, 2025 йилда жамоа шартномаси асосида кўрсатилган имтиёзлар ҳажми ҳар бир аъзога ўртача 12 миллион 908 минг сўмданга тўғри келди.

Касаба уюшмаси томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Шу боис, турли байрам саналари муносабати билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 12 нафар аъзога жами 5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамоада маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ходимлар бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни мақсадда мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Жумладан, «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида «Соғлом танда – сифатли тиббиёт» шиори остида ўтказилган спорт мусобақаларида 400 дан зиёд касаба уюшмаси аъзоси фаол иштирок этди. «Ҳамшира – 2026», «Йилнинг энг яхши IT оператор ҳамшираси» каби кўрик-танловларнинг туман bosқичлари ҳам

юқори савияда ташкил этилди.

Яқинда тиббиёт бирлашмасининг 90 нафар ишчи-ходими Султон Увайс бобо зиёратгоҳи ҳамда Айдарқўлга ташриф буюрдилар. Бу ходимлар учун нафақат дам олиш, балки маънавий қувват манбаи бўлди.

Умуман олганда, иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасидаги самарали ҳамкорлик меҳнат шaroитларини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Манзура ЖУМАНОВА,
Урганч тумани тиббиёт
бирлашмаси касаба уюшмаси
қўмитаси раиси

Рағбат

ЯХШИ МЕҲНАТ ҚИЛГАНЛАР СИҲАТТОҲГА БОРАДИ

Раҳматуллаева ҳам кўп йиллик самарали меҳнати, беморларга меҳр ва масъулият билан хизмат қилиб келаётгани учун рағбатлантирилди. Унга ҳам дам олиши ва соғлигини тиклаши учун «Чимён» санаторийсига йўланма тақдим этилди.

– Тиббиёт ходимларининг заҳматли меҳнати, саломатлиги, ижтимоий ҳимояси ва муносиб дам олишини таъминлаш касаба уюшмаларининг доимий эътиборида, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси Шоҳида-хон Каримова.

Дарҳақиқат, бундай эътироф ва рағбатлар тиббиёт ходимларини янги марралар сари руҳлан-тириб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдек шарафли вазифани янада масъулият билан адо этишга ундайди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Ёшлар овози

фоҳонада ўз ўрнимга эга эканимдан ва ходимларнинг огирини енгил қилишга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

БАХТИМНИ СОЛИҚ
ТИЗИМИДА ТОПДИМ

– Касаба уюшмаларининг таянч бўғини ҳар бир меҳнат жамоасида тузилган бошланғич касаба уюшма ташкилотидир, – дейди Гулистон тумани солиқ инспекцияси бош инспектори, ЎзКУФ Сирдарё вилояти кенгаши Ёшлар бирлашмасининг фаол аъзоси Сабоҳат Нурмуҳаммедова. – Корхона ёки ташкилотда иш берувчи ва ходимлар ўртасида, меҳнаткашлар орасида ўзаро дўстона, самимий муносабат ўрната олиш, соғлом меҳнат муҳитини яратиш бевосита касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва аъзолари фаолиятига боғлиқ. Бугунги кунда бошқармамиз ва унинг ҳудудий бўлимларида 480 нафардан ортик ходим фаолият юритаяпти. Шундан 220 нафарини 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ходимлар ташкил қилади, уларнинг 25 нафари хотин-қизлардир. Солиқ қўмитаси раиси ташаббуси ва қўмаги билан 30 нафардан ортик ёшларимиз турли олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимида таҳсил оляпти, 6 нафар ёш ходим таълимнинг магистратура bosқичини битирди. Ўқиш давомида уларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари сақлаб қолинди. Мен ҳам шу ёшлар қаторида бошқарма тавсияномаси асосида 2021 йили Тошкент давлат иктисодиёт университети-нинг сиртқи бўлимига ўқишга қабул қилиниб, 2025 йилда бакалавр дипломига ҳам эга бўлдим.

2014 йилдан буён солиқ тизимида фаолият юритиб келяпман. Умр йўлдошим ҳам солиқ ходими. Бахтли оила бекаси, 4 нафар фарзанднинг онасиман. Ҳам иш, ҳам оила, рўзгор, қолаверса, олий таълимда таҳсил олиш, буларнинг барини удадалашимда ишхонамизда соғлом муҳит яратган касаба уюшмасининг хизмати катта.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Дилнавоз САЙДОВА
ёшб олди

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Яқинда уй сотиб олдим. Номимга ўтказишдан олдин хонадон эгасига келишган нарҳимизнинг 10 фоизини гаров сифатида бердим. Аммо кўп ўтмай, у айниб қолди. Шунда гаровни қайтариш масаласида ўртамизда низо юзага келди. Ҳўш, гаров нима? Агар томонлар келишуви бузилса, у қай тартибда қайтарилиши лозим? Шу ҳақда тушунча берсангиз.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ
Фарғона вилояти

КЕЛИШУВ БУЗИЛДИ, ГАРОВ ПУЛИ ЭСА...

ЖАВОБ: Фуқаролик кодексида гаровга қўйидагича таъриф берилган: «Шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закатат ҳисобланади».

Буни содда тилда тушунтирадиган бўлсак, харид қилмоқчи бўлаётган махсулотингиз, масалан, уй бошқа одамга сотилиб кетишининг олдини олиш мақсадида гаров сифатида маълум миқдорда пул беришингиз тушунилади. Ўз навбатида, сотувчи – уй эгаси ҳам сиз ўйни сотиб олишингиз (ёки уй айнан сизга сотилиши)га кафолат ўлароқ, гаров талаб қилиш ҳуқуқига эга. У олди-сотди предмети (юқорида зикр этилган мисол бўйича уй) нарҳининг бир қисmini ташкил қилиши мумкин.

Гаров тўғрисидаги келишув эса, унинг миқдори қанча бўлишидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши керак. Шундагина у қонуний ҳисобланади.

Қонунчиликка кўра, агар келишув бир томон, яъни уй сотиб олаётган миқдор ихтиёри билан бузилса, гаров пули иккинчи тараф – хонадон эгасида қолади. Борди-ю, ўртадаги шартларга сотувчи амал қилмаса, гаров пули харидорга икки баравар миқдорда қайтарилиши жоиз.

Саволга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари – Бош меҳнат ҳуқуқ инспектори Алишер САЙДОВ жавоб берди

Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида 15 йилдан кўпроқ самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ тиббиёт ходимларига сиҳаттоҳларда саломатликларини тиклашлари учун бепул йўлланмалар топирилди.

Фидойи тиббиёт ходимлари орасида Қувасой шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника шифокори Гўлчехрахон Тожибоева ҳам бор. У кўп йиллардан буён ўз касбини виждонан адо этиб келаётган оқ халат соҳибаларидан бири. Шунинг учун касаба уюшмалари томонидан унга «Чимён» санаторийсига бепул йўлланма берилди.

– Тиббиётда меҳнат қилаётган инсон учун энг катта мукофот – беморлар розилиги ва халқ ишончи. Бизга билдирилган эътибор ва ғамхўрлик барчамизга янги куч ва шижоат бағишлайди, – дейди Гўлчехрахон Тожибоева.

Қувасой шаҳридаги 3-оилавий поликлиника ҳамшираси Олмахон

«КАСАБА УЮШМАЛАРИ – ТАЯНЧИМИЗ»

ЎЗ ШАҲРИМДА
СЕВИМЛИ УСТОЗМАН



– Янги Ўзбекистонда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар сабабли институтда 3-bosқичда ўқиётган пайтимаёқ суҳбат билан Ички ишлар вази-

лигининг Сирдарё академик лицейига лиҳга қабул қилиндим, – дейди ушбу лицейнинг физика ва астрономия фанлари ўқитувчиси Бобур Рустамов. – Ишхонам – иккинчи уйим, ҳамкасбларим ўз оила аъзоларимдек азиз. Лицейдаги қулай меҳнат муҳити ва доимий рағбатлар янада кўпроқ изланишим, ўз устимда ишлаб, юқори натижаларга эришишим учун туртки бўлди. Бунда касаба уюшмасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Касаба уюшмаси томонидан ташкил этилади-ган турли тадбирлар, «Заковат», «Ёш китобхон», «Касаба уюшмасининг энг фаол ёш аъзоси» каби кўрик-танловлар, хайрия акциялари ва саёҳатларда иқтидорли тенгдошларим билан танишдим, тажриба алмашдим, билмаганларимни ўрганиб, билганларимни улар билан бўлишдим.

SAT (Scholastic Assessment Test) – талабанинг мантиқий фикрлаш, математика ва инглиз тилида ўқиш-ёзиш кўникмаларини баҳолайдиган стандартлаштирилган академик баҳолаш тести ҳақида эшитиб, вақтимни инглиз тилини мукаммал ўрганиш ва математика бўйича билимларимни янада мустаҳкамлашга сарфладим. Гулистон давлат университети магистратура bosқичига ҳужжат топширдим ва 1-ўринда грант билан ўқишга қабул қилиндим. Бугунги кунда юзлаб ўқувчиларнинг сеvimли устози ва SAT ментор сифатида фаолият юритаяпман. Инстаграмдаги шахсий бло-

гим орқали кўплаб ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини оширишга ўз ҳиссамни қўшиб келаётганимдан бахтиёрман.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШГА
ҲАРАКАТ ҚИЛЯПМАН

– Бир неча йиллардан бери Боёвут тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси вази-фасини бажариб келяпман, – дейди шифокор-рентгенолог Абдунаби Каримжонов. – Аввалига ҳамкасбларим бу масъулиятли вазифага сайлашганида бироз ҳақисирадим, билдирилган ишончни оқлай олармиканман, деган ўй ўтди кўнглимдан. Лекин тез орада ўзимни жамоатчи, фаол етакчи сифатида ҳам қашф эта бошладим. Иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда шаффофликини биринчи ўринга қўйдим. Ходимларга моддий ёрдам ажратиш, санаторийларга йўлланмалар бериш, нафақадаги нуруний ва ногирон ҳамкасбларимиз ҳолидан хабар олиш, фидойи ходимларни моддий рағбатлантириш каби масалалар доимий эътиборимизда. Жамоада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида «Беш ташаббус олимпиадаси» спорт мусобақаларининг туман bosқичи юқори савияда ўтказилди. Жамоамиз вилоят bosқичида фахрли 2-ўринни эгаллаб, юқори салоҳиятини намоён этди. Ходимларнинг маданий дам олиши ва ички туризм йўналишида ҳам режалар иш олиб борилмоқда. Утган давр мобайнида 400 нафарга яқин тиббиёт ходими Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Тошкент вилоятларидаги диққатга сазовор масканларга, зиёратгоҳларга саёҳат қилишди.

Касаба уюшмаси раиси сифатида ши-

Айш, Навоий, неча дилкашдурур,
Лек адаб бирла ҳаё хушдурур.

Алишер Навоий

Фаолият

Учрашув



ТАЛАБАЛАР ҚАЕРДА ИШЛАШНИ ИСТАЙДИЛАР?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан Бухоро давлат техника университети-нинг 50 нафар битирувчиси иштирокида вилоятдаги йирик sanoat мажмуаларидан бири – «Bukhara next generation product» МЧЖ (Artel) корхонасига саёҳат уюштирилди.

Корхона мутахассислари талабаларга ишлаб чиқариш тизими, маҳсулот тайёрлашнинг мураккаб bosқичлари ва замонавий технологиялардан фойдаланиш тартиблари ҳақида атрофлича маълумот беришди. Таъкидланганидек, корхонада ишлаб чиқариш учун зарур бўлган айрим металл хомашёлари хориждан олиб келинса-да, барча техник жараёнлар тўлиқ маҳаллий шaroитда амалга оширилади. Умумий майдони 17 гектарни ташкил этувчи ушбу улкан мажмуада бугунги кунда 2 минг нафардан ортик ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, ҳозир корхонада 500 га яқин бўш иш ўрни мавжуд бўлиб, асосий қисми айнан ёш мутахассислар учун захира қилиб қўйилган.

Учрашувда талабалар учун дуал таълим тизими асосида ишга жойлаштиш имконияти яратилгани қайд

этилди. Мазкур тизим доирасида ёшлар ўқиш билан бирга ишлаб, маош олишлари, шунингдек, ҳар ойда 1 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишлари ҳам кўзда тутилган.

Тадбир якунида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши, Бухоро давлат техника университети ва «Bukhara next generation product» масъулияти чекланган жамияти вакиллари ўртасида ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда уларни замонавий касб-хунарларга йўналтириш бўйича ҳамкорлик қилиш юзасидан келишиб олинди.

Достонбек ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Бухоро вилояти
кенгаши раисининг
ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиси

Ички туризм

ТАРИХ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Саёҳат инсон таассуротларини янгилайди. Ўзини замон билан ҳамнафас бўлишга ундайди. Шу боис яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан мактабгача ва мактаб таълими тизимида меҳнат қилаётган бир гуруҳ педагог ҳамда ишчи-ходимлар учун «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури доирасида Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

– 50 нафар ҳамкасбим қаторида мен ҳам ушбу саёҳатдан катта таассуротлар билан қайтдим, – дейди Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги 263-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулсанам Собирова. – Аввало, ташкилий ишлар учун миннатдорчилик билдираман. Салқин ва қулай шaroитга эга замонавий автобусда Самарқандга етиб бордик. Шинам меҳмонхонага тушдик. Бироз дам олгач, шаҳарни айлангани чиқдик. Кўҳна кентни кезиб, тарих билан юзлашдик.

Устозлар Самарқандда ўзгаришлар катталигини, шаҳар янада кўркамлашиб

кетганини айтишди. Саёҳатчилар учун барча шaroитлар яратилгани, айниқса, кўча бўйларида пиёдалар юриши учун йўлаклар қурилгани, йўловчиларнинг хавфсизлиги таъминланганини эътироф этишдик.

– Очиғини айтсам, 30 йилдан ортик таълим соҳасида ишлаб, ҳамкасбларим билан бундай саёҳатга биринчи боришим, – дейди Г. Собирова. – Бизга яратиб берилган шaroитдан жуда миннатдор бўлдик. Қисқа, аммо мазмунли сафардан олган куч-ғайратимиз, таассуротларимиз узоқ пайтгача бизга йўлдош бўлади.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Спорт

ҲАРАКАТ – БУ ҲАЁТ

«Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамияти ишчи ва ходимлари ўртасида «Спорт – соғлом авлод, соғлом келажак!» шиори остида марафон уюштирилди. Унда 76 нафар иштирокчи уч километр масофани босиб ўтди.

Мусобақа гоилиблари ташкилотчилар, хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг диплом ва эсдалик совгалари билан тақдир-

ланди. Икки нафар ҳаваскор спортчи «Энг кекса иштирокчи» номинацияси бўйича рағбатлантирилди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин,
алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.
Абу Райҳон Беруний

Кулги учун қурбон қилинаётган ота образи

Бундан беш-олти йил аввал «Экрандаги латта эркак – отами?» сарлавҳали мақола ёзгандим. Унда кейинги пайтларда яратилаётган сюжетларда, хусусан, бадий фильм, спектакль, рекламаларда шайни, гурури, номуси ер билан битта бўлаётган, на аёли, на фарзандлари олдида заррачалик қадри, ҳурмати қолмаётган оталар ва эркаклар ҳақида сўз борган эди. Бугун телевизор кўриб, интернетни кузатиб англадимки, шу вақт ичида ҳеч нарса ўзгармади. Аксинча, оталарни лапашанг образда тасвирлаш урф бўлди. Айниқса, даврнинг модасига айланган вайнларда бу ҳолат асосий сюжет сифатида акс этмоқда. Қадриятларимизга, оилавий муносабатларга раҳна солаётган ушбу мавзу мени чуқур ўйлантириб қўйди ва яна қалам олишга ундади.

Аслида кўпчилик бу мавзунини жуда жўн ва майда ҳисоблайди. Аммо «арзимас» масала ортида миллат шайни, гурури бор. Бир аср аввал улуғ маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудий «Театр – ибратхонадир» деганида нақадар ҳақ эди. Тан олиш керак, орамизда масъулиятсиз, уйни – зиндон, кўчани – хандон деб биладиган эркаклар, хотинининг топганини еб ётадиган такасалтанглар ҳам бор. Лекин гап улар ҳақида эмас. Зеро, оиласи учун қалқон бўладиган, фарзандлари учун елиб-югурадиган эркаклар кўпчилигини ташкил этади. Шундай экан, бошдан дўппини олиб, бир мулоҳаза юритайлик. Аслида жамиятда отанинг ўрни қандай бўлиши керагу, ҳозир қанақа? Нега омма эътиборига бўшанг, хотини ва боласига гапи ўтмайдиган оталар образи яратилган фильмлар ҳавола қилиняпти? Унинг аянчли оқибати қандай бўлади?

Ҳа, авваллари ўзбек хонадонларида отанинг ўрни алоҳида эди. У фақат рўзгор тебратувчи эмас, балки оиланинг маънавий устуни, тарбия мезони, хонадон салобати ҳисобланган. «Отанг келсин-чи», деган гапнинг ўзи бола учун тарбия, она учун суянг, оила учун тартиб эди. Бўқўрув эмас, ҳурмат эди. Отага бўлган муносабат орқали бола чегарани, масъулиятни ўрганарди.

Хўш, бугун-чи? Аслида ҳозир ҳам шундай. Ота ўз мақомини йўқотмаган. Бироқ телевизор, сериал, реклама, Instagram, YouTube ва TikTokда аксини кўрапмиз. Уларда эркак, айниқса, ота лақма, кўлидан ҳеч иш келмайдиган, хотинидан чўчийдиган, фарзандлари ҳурмат қилмайдиган, доим масҳарабоз образида гавдалантириляпти. Унинг вазифаси – қўлдириш. Аёл эса, ақли, хушёр, барча муаммони ҳал қилувчи қаҳрамон. Бола ҳаммадан билимдон. Масалан, ҳамма севиб томоша қилаётган вайнер – Бобур Мансуровнинг аксар саҳна кўринишларида эркаклар энг лапашанг «мавжудот»га айланган. У ҳеч нарсани эпломмайди – аёл тўғрилайди. Фарзанд уни менсимайди. Томошабин эса маза қилиб кулади.

Тўғри, булар ҳазилдек туюлиши мумкин. Аммо ҳадеб бир хил ҳолат қайта-қайта такрорланаверса, у онгга сингиб боради. Бора-бора меъёр сифатида қабул қилина бошлайди. Масаланинг хавфли томони ана шунда.

Сўнгги йигирма йил ичида нафақат бизда, балки бутун дунё медиасида эркак образини қадрсизлантириш тенденцияси кучайди. Ғарб тахлилчилари бунини ҳатто «Эркаклик инквизицияси» деб аташмоқда. Уларнинг фикрича, эркаклар маданиятда ё ёвуз қаҳрамон, ё аҳмоқ, ё масъулиятсиз кимса сифатида тасвирланмоқда.



Яқинда телеграм каналларнинг бирида америкалик тадбиркор ва радиобойловчи Дейв Рэмснинг куйидаги фикрларига кўзим тушиб қолди: «Жамият эркакка йиллар давомида «Сен кераксиз, сен аҳмоқ, сенинг қадринг йўқ», деган сигнални бера, у вақти келиб, ҳақиқатан ҳам, ўзини кераксиз ҳис қила бошлайди».

Ҳақ ва аччиқ гап. Чиндан ҳам, айрим ўлкаларда меҳнат бозоридан четлашган, жисмонан соғлом, аммо ҳаётда фаол иштирок этмаётган миллионлаб эркаклар пайдо бўлгани ҳақида жиддий баҳслар кетмоқда. Улар ишсиз, мақсадсиз, оиладан узилган, ўзини жамият учун аҳамиятсиз деб билишади.

Албатта, биз Ғарб эмасмиз, аммо глобал ахборот маконида ашяапмиз. Қолаверса, биздаги ҳолат ҳам ҳавас қиларли даражада эмас!

Кўпчилик «Битта реклама ё сериал нима бўларди?» деб ўйлашади. Аммо уларнинг салбий оқибатлари кўп. Чунки бола ҳар кун экранда отасини масҳара қилиш мумкинлигини кўрса, вақти келиб, буни табиий ҳол, деб билиди. Бора-бора падарига гап қайтариш, уни менсимаслик, қарорини кулги қилиш одатий ҳолга айланади. Биз бунинг «мева»сини алақачон табиб улгурдик. Ижтимоий тармоқларда отаси ёки онасини видеога олиб, мазақ қилаётган фарзандлар кўпайди. Лайк йиғиш учун онасининг юзига торт билан урган «ғўил» эсингизда бўлса керак...

Хуллас, оталар контент марказига айланди. Кимдирнинг соддалигидан қўлапти, кимдир саводсизлигини, кимдир замондан ортда қолганини писанда қияпти. Энг ачинарлиси, бундай видеолар миллионлаб кўрилмоқда. Демак, жамиятда шунга эҳтиёж шаклланмоқда.

Бугун баъзилар ота ролини фақат пул топиш билан ўлчаيد. Гўё эркакнинг вазифаси – фақат рўзгор тебратиш. Аслида эса ота оиланинг психологик таянчи ҳамдир. Хусусан, психологлар қиз боланинг ўзига ишончи, муносабатлардаги танлови, ҳаётга қараши кўп жиҳатдан отаси билан муносабатига боғлиқлигини таъкидлашади. Қизини меҳр билан улғайтирган, уни эшитган, қўлаб-қувватлаган ота фарзандида ички химоя ҳиссини шакллантиради. Бундай қизлар ўз қадрини яхши билишади, тасодифий муносабатларга берилишмайди, ўзларини химоя қила олишади.

Ўйил бола учун эса ота биринчи намуна бўлиши керак. У эркакликни Instagramдан эмас, отасидан ўрганиши зарур. Масъулиятни, сўзда туришни, аёлга муносабатини, меҳнатни, сабрни отасининг ҳатти-ҳаракатида кўрмоғи жоиз. Борди-ю, унинг онгига ота доим масҳара қилинадиган, ҳеч ким ҳисоблашмайдиган образ бўлиб қолса, эртага у ҳам ўз оиласига жиддий қарамаслиғи турган гап. Қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтишмаган.

Тўғри, ҳамма айбни кино ёки блогерларга ағдариш адолатдан эмас. Чунки бугун зиммасидаги масъулиятни унутган эркаклар ҳам кўпайиб бормоқда. Оила юкини аёли елкасига ташлаб қўйган, фарзандлар тарбиясига аралашмайдиган, кун бўйи чойхонада бўладиган ёки телефондан бўшамайдиган ношуудлар ҳам кам эмас. Бироқ бу ҳадеб ёмонликни тарғиб қилавериш керак, дегани эмас. Аслида тарози посангисини тўғри қўйиш муҳим. Аммо муаммо шундаки, медиа бу нуқсонни бартараф этиш ўрнига, уни тобора оммавийлаштиришмоқда. Ўёки масъулиятли, кучли, ақли ота образини гавдалантириш мумкин эмасдек... Ёки аудиторияга лақма, хотинидан кўрқадиган эркаклар

Дилдаги огриқлар

керамикан?... Шу йўл билан рейтингни ошириш тўғрими-кан?..

Кино шунчаки вақт ўтказиш воситаси эмас, у тарбия омили. «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» кўрсатуви, «Тошкент – нон шаҳри», «Сен етим эмассан» каби фильмлардаги ота образларида салобат, масъулият ва ички босиқлик бор эди. Бугун эса кўп фильмларда конфликт яратишнинг энг осон йўли – эркакни шунчаки аҳмоқ қилиб кўрсатишдан иборат бўлиб қолди. Айрим картиналарда аёлниинг мақомини ошириш учун эркакларни таққирлаш шартдек. Ваҳоланки, кучли аёл образини кучсиз эркак орқали эмас, унинг шахсияти орқали ҳам кўрсатиш мумкин. Чунки оила кимдир ютиб, бошқаси ютказадиган майдон эмас.

Яна бир гап. «Оммавий маданият» деганда кўпчилигимиз очик-сочиқлик ёки чет эл таъсирини тушунапмиз. Аслида қадриятларни кулгига айлантириш ҳам «Оммавий маданият»нинг бир кўриниши. Отани менсимаслик, оилани енгил қабул қилиш маънавий емирилишдан далолатдир.

Бу ерда гап эркакни мутлақ ҳукмдор қилиш ҳақида кетаётгани йўқ. Гап мувозанат ҳақида бормоқда. Чунки ота қадри йўқолган оилада тарбия издан чиқади. Тарбия издан чиққан жамиятда эса қонун-қоидалар ишламайди.

Хўш, бизга қандай қаҳрамонлар керак? Бизга сохта қаҳрамонлар эмас, ҳаётини, аммо масъулиятли оталар образи керак. Камчилиги бўлса ҳам, фарзанди учун жон қуйдирадиган, хатосини тан оладиган, меҳнат қиладиган, оиласи учун елиб-югурадиган эркаклар керак. Ўйил болаларга ҳақиқий эркакликни интернет беролмайди.

Энг катта хавф шундаки, жамият бу ҳолатга секин-аста қўниқиб борапти. Оиладаги муносабатларга шунчаки юмор сифатида қарапмиз. Аммо бу яхшилик билан тугамайди. Масъулиятсиз оталар, отасиз катта бўлаётган болалар, оила қуришдан қочаётган ёшлар, руҳий бўшлық, агрессия – буларнинг барчаси ижтимоий тармоқлардаги бемаза картиналарнинг «меваси» аслида.

Ота – шунчаки оила аъзоси эмас. У бола учун қонун, ҳимоя, намуна. Шундай экан, медиа, кино, реклама ва блогерлик соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир инсон бир ҳақиқатни унутмаслиғи керак: кулги учун қурбон қилинаётган образ шунчаки персонаж эмас, у миллатнинг эртасига таъсир қиладиган тимсол.

Санъат инсонни майдалаш учун эмас, юксалтириш учун хизмат қилиши лозим. Акс ҳолда, бугун қулаётган ҳолатимиз эртага жамиятнинг энг катта фожиасига айланиши ҳеч гап эмас...

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, гап фақат кинодаги «ёмон ота»лар образи ҳақида эмас, балки жамиятнинг эркак ва отага бўлган муносабати аста-секин ўзгариб бораётганида, янада ачинарлиси, бу ҳолат санъат орқали меъёрлаштириляётганида.

Муаммо фақат экранда эмас, бозорда ҳам. Чунки бугун кино санъат эмас, тез пул топиш воситасига айланмоқда. Томошабин енгил кулги истаяпти, ижодкорлар эса шу талаб ортидан кетаяпти. Оқибатда фикрлашга мажбур қиладиган, инсонни юксаликка чорлайдиган асарлар четга сурилиб, уларнинг ўрнини олди-қочди сюжетли картиналар эгалляпти. Айрим фильмларда дангасалик, масъулиятсизлик, оилавий беҳурматлик оддий ҳол сифатида кўрсатилмоқда. Томошабинлар эса уларни қабул қияпти.

Яна бир иллат шундаки, бугунги ижодкорларнинг аксарияти ҳаётдан, китобдан, мушоҳададан узилиб қолган. Шунинг учун сюжетлар бир хил. Санъатнинг вазифаси фақат муаммони кўрсатишдан эмас, инсонни фикрлашга ундашдан ҳам иборатдир.

Албатта, биз отани яқаш идеал қилиб тасвирлаш керак, деган фикрдан йироқмиз. Фақат ҳар қандай вазиятда ҳам мувозанатни сақлаш лозимлигини эслатмоқчимиз. Агар экранда нукул ожиз, масҳарабоз ёки масъулиятсиз эркаклар нишонга олинаверса, бу бутун бир авлоднинг ота ҳақидаги тасавури ўзгаришига олиб келади.

Санъат эса эркак эмас, миллат қиёфасини шакллантирадиган кучдир. Шундай экан, «арзимас масала» ҳусусида яна бир бор жиддий ўйлаб кўриш фойдадан холи бўлмайди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши жамоаси

май ойининг учинчи якшанба санасида кенг нишонланадиган
«Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари кунин» муносабати билан соҳа вакилларини самимий муборакбод этади!

Бугунги шиддатли давр ҳамда Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ушбу бунёдкорликлар тармоқда фаолият юритаётган ишчи-ҳодимлар олдида ҳам муҳим вақфаларни қўймоқда. Юксак касбий маъоратга, бой билим ва малакага эга соҳа вакиллари – ишчи-ҳодимларнинг муҳим йўналиши бўлган соҳа саноат тармоғи меҳнаткашлари бу йўлда шараф ва матонат билан меҳнат қилмоқдалар, муваффақият ва ютуқларга эришмоқдалар.

Азиз ҳамкасблар!

Байрамимизга муборак бўлсин!
Барчангизга мустақкам соғлиқ, ишларингизга муваффақиятлар, оилавий бахт-саводат, Янги Ўзбекистонимиз рамазони йўлида олиб бораётган бунёдкорона меҳнатингизда янгида-янги зафарлар тилаймиз.

МЕҲНАТ НИЗОСИ БАРҲАМ ТОПДИ

Исмон қадри ва ҳуқуқлари муҳофазаси ҳар қандай демократик жамиятнинг тамал тоши ҳисобланади. Аммо амалда Йирик ташкилот-корхоналар раҳбарлари томонидан меҳнат қонунчилигига беписанд қараш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бунини «Uzum market» МЧЖ маъмурияти ва администратор Шерали Умунов ўртасидаги меҳнат низооси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу воқеа нафақат бир ҳодимнинг ишга тикланиши, балки иш берувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва масъулияти қай даражада эканлигини таҳлил қилиш учун асос бўлади.

Ҳаммаси 2026 йил 10 февралдаги буйруқдан бошланди. Корхона директори Ш.Умуровнинг меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиқда айбалаб, Меҳнат кодексининг 161-моддасига асосан ишдан бўшатди. Қонуний туюлган бу қарор замирида аслида тизимли хатолар ва ҳуқуқий саводсизлик ётар эди. Аввало, меҳнат шартномасини бекор қилишда жамиятнинг ички тартиб-қоидаларига таяниш бўлса-да, амалда ҳодим ишга қабул қилинган вақтда ушбу ҳужжатлар билан имзо қўйдириб таништирилмаган. Бу эса Меҳнат кодексининг 25-моддаси талабларини қўпол равишда бузиш демакдир. Ахир ҳодим ўзи таниш бўлмаган ва имзоламаган қонидан бузганлиқда қандай айбланиши мумкин?!

Бундан ташқари, ҳодим тақдирини ҳал қилишда касаба уюшмасининг роли шунчаки расмийлашди айлантирилган. Тақдирномани кўриб чиқишда жами 28 нафар аъзодан атиги 6 нафари иштирок этган, бу кворум мавжуд эмаслигини билдиради. Энг ачинарлиси, ҳодимга бу ҳақда ҳеч қандай хабар берилмаган ва ўз позициясини химоя қилиш ҳуқуқи таъминланмаган. Шунингдек, иш берувчи Меҳнат кодексининг 165-моддасида белгиланган уч кунлик огоҳлантириш муддати ёки унинг ўрнига тўланиши лозим бўлган компенсация мажбуриятини ҳам эътибордан четда қолдирган.

Фуқаролик ишлари бўйича Ёшдувон туманлараро суди ушбу ҳолатни атрофлича ўрганиб чиқиб, 2026 йил 10 апрелда адолатли қарор чиқарди. Унга мувофиқ, иш берувчининг буйруғи гайриқонуний деб топилиб, Ш.Умунов ўз лавозимига тикланди. Шунингдек, унинг фойдасига икки ой мажбурий бекор юрган кунлари учун 7 770 291 сўм иш ҳақи ва 3 885 145 сўм миқдорида маънавий зарар ундирилди.

Рустам НАСИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши бош мутахассиси

